“Барқарор иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш” бўйича Наманган тумани штабининг

ҚАРОРИ

06.11.2026 йил **№ 01/01** **Наманган тумани**

“Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сон баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёнида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида, фуқароларнинг ёзма равишдаги мурожаати ва “Маҳалла еттилиги”нинг тегишли хулосасини кўриб чиқиб, ойлик даромади кам оилалар учун 2 нафар фуқароларга уй-жойларини таъмирлашга қурилиш материаллари сотиб олиш учун, тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, туман штаби,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026-йил 11-сентябрдаги ПФ–193-сон “Барқарор иш ўринларини яратиш ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш орқали аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 15-сентябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 33-сонли баёни ҳамда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган муҳокама йиғилишининг 2026-йил 9-октябрдаги 35-сон баёни ҳамда Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Наманган тумани бўлимининг тегишли хулосаларига асосан, Наманган тумани Муллакудинг МФЙда яшовчи фуқаро Саидова Зулхумор Абдуғоффоровна ҳамда Анжирзор МФЙда яшовчи фуқаро Мирзаханов Алимардон Тохиржоновичларни уй-жойни таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш учун фуқароларни 2026-йил ноябр ёзган мурожаатини белгиланган тартибда кўриб чиқиб, мурожаатда кўрсатилган масала юзасида яшаб турган уй-жойни таъмирлаш учун зарур бўлган қурилиш материаллари сотиб олиш харажатлари учун **“Саховат ва кўмак”** жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича махалла еттилиги томонидан тузилган хулосаларини ўрганилганлигини маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. **“Муллакудинг” ҳамда “Анжирзор” маҳалла фуқаролар йиғинидаги еттилик аъзолари томонидан** яшаб турган уй-жойни таъмирлаш

учун, "Саҳоват ва кўмак" жамғармасидан маблағ ажратиш бўйича берилган хулосаларини инобатга олинсин.

3. "Муллакудинг" МФЙда яшовчи фуқаро Саидова Зулхумор Абдуғоффоровна ҳамда "Анжирзор" МФЙда яшовчи фуқаро Мирзаханов Алимардон Тохиржоновичларни уй-жойини таъмирлаш учун зарур бўлган қурилиш материаллари сотиб олиш учун *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрда ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни 2-иловасида кўрсатилган Уй-жойини таъмирлаш, шу жумладан, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитини мослаштириш бандига* асосан "Саҳоват ва кўмак" жамғармасидан ҳар бир фуқарога БҲМ (базавий ҳисоблаш миқдори) нинг 50 бараваригача яъни ҳар бир фуқарога 22 000 000 (йигирма икки) млн.сўмдан жами 2 нафар фуқарога 44 000 000 (кирқ тўрт) млн.сўм "Саҳоват ва кўмак" жамғармаси маблағлари ҳисобидан маблағ ажратилсин.

4. "Саҳоват ва кўмак" жамғармасидан ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2026-йил 9-октябрдаги ўтказилган муҳокама йиғилишининг 35-сон баёни талабига асосан амалга ошириш вазифасини туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси Ш.Ўралов зиммасига юклатилсин.

5. Фуқароларнинг уй-жойини таъмирлаш учун зарур бўлган қурилиш материаллари сотиб олишга ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли сарфланишини ҳамда таъмирлаш ишларини сифатли бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари (Ж.Акбаров) ҳамда Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси Наманган туман бўлими бошлиғи (Д. Хошимова)лар зиммаларига зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур штаб қарорига асосан тегишлича (ўринбосарлар ёки жамғарма раислари) сотиб олиниши лозим бўлган материаллар ва хизматларни бажарилишини ташкил этиш, туман ҳокимлиги хузуридаги инфратузилма ва фаровонлик жамғармаси бўйича Давлат харидларини амалга ошириш комиссиясига, ажратилган мазкур маблағларни мақсадли, самарали ҳамда белгиланган тартиблар асосида сарфланишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Туман ҳокимининг ўринбосари (О.Саидазимов), (М.Тўйчиева)лар ҳамда Ўзбекистон маҳалллалари уюшмаси туман раҳбари (Д.Хошимова) тегишли маҳаллалардаги "Ёшлар етакчиси", "Ижтимоий ходим", "Хотин кизлар фаоли" томонидан расмийлаштирилган ариза ва ҳужжатларни ҳаққонийлиги бўйича маҳалла еттилиги фукарога ёрдам кўрсатилгандан кейин

6 (олти) ой давомида унинг натижасида оиланинг даромади ошганлигини мониторинг қилиб бориши ва натижалари ҳақида туман штабига ёзма ахборот киритиб борсинлар.

8. Мазкур қарорни қабул қилишга асос бўлиб хисобланган маҳалла еттлиги томонидан тақдим қилинган хулосани ҳаққонийлиги ва ишончлилиги юзасидан маҳалла еттилиги жавобгар этиб белилансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи Ш.Абубакиров зиммасига юклатилсин.

Штаб раиси,
Наманган туман ҳокими **С.Мўминов**

Штаб раиси ўринбосари - туман
ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ш.Абубакиров**

Штаб котиби - туман камбағалликни
қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи **К.Рафиқов**